# БОР БЎЛСИН ДУНЁ, БОР БЎЛСИН КЎКЛАМ!


# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 21 март, сешанба № 50-51 (2100)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ЎЗБЕКИСТОН-ҚОЗОҒИСТОН:
# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жорий йилнинг январида Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг инаугурация маросими билан боғлиқ тадбирларда қатнашиш учун Остона шаҳрига ташриф буюрган эди. Ўшанда Н.Назарбоев ушбу лавозимга қайта сайланганидан сўнг илк хорижий сафарини Ўзбекистондан бошлашни ният қилганини билдирганди. Бу унинг Ўзбекистонга, халқимизга ва давлатимиз раҳбарига юксак ҳурмат-эҳтиромидан далолатдир. Мазкур ниятни Қозоғистонда мамлакатимиз билан муносабатларни янада ривожлантиришга улкан иштиёқ ва қизиқиш борлигининг, энг муҳими, икки қардош юртда ўзаро ҳамкорлик йўлидаги интилишлар муштарак эканлигининг яна бир амалий тасдиғи, дейиш мумкин.***

Ўша хайрли ният бугун, Наврўз кунларида амалга ошаётганида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Зеро, ўзбек ҳам, қозоқ ҳам Наврўзда эзгу тилаклар қилади, йил давомида қилинадиган ишлар режасини белгилаб олади.

Давлат ташрифи билан мамлакатимизга келган Қозоғистон Президентини 20 март куни Дўрмон қароргоҳида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев шоҳсупага кўтарилдилар. Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг яккама-якка учрашуви бошланди. Ислом Каримов ушбу мулоқот умумий қадриятимиз бўлмиш Наврўз байрами арафасида ўтаётганида чуқур рамзий маъно борлигини таъкидлади.

Қозоғистон биз учун шунчаки қўшни мамлакат эмас. Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари асрлар давомида дўст-қардош бўлиб, савдо-сотиқ қилиб, қуда-анда бўлиб келган. Бу халқлар бир-бири билан бахтини баҳам кўриб, оғир дамларда ҳамдард, елкадош бўлган. Умумий тарих, муштарак маданият ва урф- одатлар, тил ва диннинг бирлиги бугунги кунда ҳам муносабатларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Ўзбекистон билан Қозоғистон алоқаларида яхши қўшничилик, яқин дўстлик ва қардошлик, қолаверса, ўзаро ишонч тамойиллари устувор аҳамиятга эга.

Нурсултон Назарбоев байрам кунларида ўтадиган музокара албатта самарали бўлишига қатъий ишонч билдирди. Ўзбекистонга таклиф этгани учун Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор қилар экан, Қозоғистон ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналиши ҳамкорлик ва интеграцияни ривожлантиришга интилишдан иборат эканлиги, айниқса, бунда минтақавий миқёсдаги, жумладан, Ўзбекистон билан алоқалар муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 1998 йилда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома руҳида ривожланиб бораётганини қайд этдилар. Бундан уч йил бурун имзоланган Давлат чегараларининг делимитацияси тўғрисидаги шартнома ҳам замон талабларига мос ҳужжат бўлгани, Ўзбекистон билан Қозоғистон МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб чегара масалаларини ҳал этгани ўзаро ишонч мустаҳкамлигидан далолат эканини таъкидладилар.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалар, шунингдек, минтақавий хавфсизликка оид ҳамда ўзларини қизиқтирган долзарб халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор эканини қайд этилди. Томонларнинг кўплаб халқаро муаммоларга қарашлари бир хил ё яқинлиги таъкидланди.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев ўзаро мулоқотни Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда асосий диққат-эътибор ўзаро савдо- иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, ишбилармонлар ҳамда маъмурий-ҳудудий субъектларнинг бевосита алоқаларини кенгайтириш ва рағбатлантириш, божхона ва чегарадан ўтиш тартибларини енгиллаштириш, транспорт коммуникациялари ва сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва етказиб беришга оид масалаларга қаратилди.

Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги қардошлик, яқин қўшничилик анъаналари асосида изчил ривожланиб бормоқда. Ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини тўқсондан зиёд ҳужжат ташкил этади. Уларнинг элликдан ортиғи иқтисодий соҳага тааллуқлидир. Бу ҳужжатлар орасида мамлакатларимиз ўртасида эркин савдо, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочишга оид битимлар бор.

Йиллик ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2004 йилда 425,9 миллион, 2005 йилда эса 516,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Яъни, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ миқдори илк бор ярим миллиарддан ошди ва йилига ўртача 20 фоиздан кўпаймоқда. Жорий йилнинг январига доир кўрсаткич 40,4 миллион долларни ташкил этгани ҳам бу борада ўсиш давом этаётганидан далолат беради.

Ўзбекистонда Қозоғистон сармояси иштирокида тузилган 73 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг олтитаси тўла қозоғистонлик сармоядорлар ҳисобига очилган. Ушбу корхоналар савдо, қурилиш, озиқ-овқат, машинасозлик, енгил саноат, металлни қайта ишлаш каби соҳаларда иш олиб бормоқда. Ўзбекистонда Қозоғистоннинг 24 фирма ва компанияси ваколатхонаси бор.

Айни пайтда Қозоғистонда Ўзбекистон сармоядорлари иштирокида тузилган 86 корхона ишлаб турибди. Улар савдо-сотиқ, озиқ-овқат, дори- дармон, қурилиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, минерал ўғитлар, пахта ва пахтадан олинадиган маҳсулотлар, ёғочни қайта ишлаш, мебелсозлик, ойнасозлик, кўнчилик сингари соҳаларда фаолият кўрсатади.

Аммо Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг иқтисодий имкониятлари билан чамалаганда бу кўрсаткичлар қониқарли эмас. Масалан, Нурсултон Назарбоевнинг ташрифи арафасида Ўзбекистондан Қозоғистонга мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини тўғридан-тўғри етказиб беришни ташкил этиш масалаларига бағишлаб Тошкентда ўтказилган мажлисда таъкидланганидек, Ўзбекистонда йилига 5 миллион тонна ана шундай маҳсулот етиштирилади. Мамлакатимиз эҳтиёжини қондириш учун бунинг ярми кифоя. Демак, 2,5 миллион тонна маҳсулотни ташқи бозорга чиқариш мумкин. Статистика маълумотларига кўра, 2005 йилда мамлакатимиздан экспорт қилинган мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларининг бор- йўғи 4 фоизи Қозоғистон ҳиссасига тўғри келади. Бу миқдорни бир неча карра ошириш мумкин ва зарур. Чунки Қозоғистонда мазкур маҳсулотларга талаб катта.

Мамлакатларимиз қишлоқ хўжалигидан ташқари, енгил ва оғир саноат, қурилиш, машинасозлик, транспорт коммуникациялари, нефт- газ ва кўплаб бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада юқори поғонага кўтариши мумкин. Масалан, Қозоғистон жанубий вилоятлари учун йилига Ўзбекистондан 1,5 миллиард куб метр газ олади. Сув-энергетика соҳаси ҳам ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан биридир. Ғалла, қурилиш материаллари, металл буюмлар савдоси ҳам икки томон учун фойдали. Музокарада Ўзбекистонда ҳам, Қозоғистонда ҳам барқарор эҳтиёж бўладиган товарлар рўйхатини тузиб чиқиш ва бевосита савдо- сотиқни кенгайтиришга келишиб олинди.

Бундан ташқари, банклараро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Ислом Каримов Ўзбекистонда Қозоғистон Тараққиёт банкининг филиалини очиш таклифини илгари сурди.

Музокарада ижтимоий соҳадаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Илм- фан, маданият ва санъат намояндалари, спортчиларнинг борди- келдисини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, оммавий ахборот воситалари тузилмаларининг алоқаларини фаоллаштириш юзасидан фикр алмашилди. Президентлар зиёлиларимиз мунтазам учрашувлар ўтказиб туриши, журналистлар эса ўзаро ҳамкорликнинг ёрқин қирраларини ёритиб бориши зарурлигини таъкидладилар.

Музокара якунида Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари Қўшма баёнотга имзо чекдилар. Унда, жумладан, икки мамлакат Президентлари раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашни тузиш борасидаги келишув ўз ифодасини топган.

Мамлакатларимиз ўртасида интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш ҳамда фан ва технологиялар соҳаларида ҳамкорлик, халқаро автомобил қатнови, чегараолди ҳудудларда фуқаролик мақсадида Ўзбекистон ва Қозоғистон радиохизматлари томонидан фойдаланиладиган 30.0-1000.0 МГц радиочастота полосасидаги радиочастота ўзлаштирувини мувофиқлаштириш тўғрисида ҳукуматлараро битимлар, эркин савдо тўғрисида 1997 йил 2 июнда имзоланган битимга эркин савдо тартибидан истиснолар тўғрисидаги протокол, Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Қозоғистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида чигирткалар ва бошқа қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ҳамда ўсимликлар касалликларига қарши курашиш бўйича ҳимоявий чора-тадбирлар кўришда ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар самарали кечганидан мамнуният билдириб, мулоқотлар ишчан кайфиятда, ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидладилар.

Президент Ислом Каримов ташриф натижаларига юксак баҳо берар экан, бугун эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларимизни ривожлантиришнинг янги имкониятларини очишини, мамлакатларимиз манфаатларига ва ҳамкорликни янги поғонага кўтаришга хизмат қилишини таъкидлади. Музокараларда ўзаро муносабатларга доир кенг қамровдаги масалалар кўриб чиқилгани, БМТ, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасида бамжиҳат ҳаракат қилиш, хавфсизликни биргаликда таъминлаш, яқин даврда Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш борасида кўп томонлама ҳужжатни имзолаш борасида фикрлар бир жойдан чиққанини қайд этди.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар ҳақида турли уйдирмалар пайдо бўлаётганига тўхталиб, ҳар бир мамлакат ўз мустақил сиёсатига эга бўлиши, ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиши ва унинг баъзи қарашлари бошқа бир давлатникидан фарқланиши мумкинлигини табиий ҳол, деб атади. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларга доир айрим гаплар уйдирмадан ўзга нарса эмаслигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Қозоғистондан ишбилармонларнинг катта делегацияси ташриф буюргани ва Тошкентда икки мамлакат иш одамларининг бизнес-форуми ташкил этилаётганини қайд этди. Қандай имкониятлар ишга солинмаётгани, қандай қилиб улардан тўла фойдаланишни йўлга қўйиш мумкинлигини муҳокама этиш учун бу жуда қулай фурсат ва яхши имкониятдир, деди Ислом Каримов.

Нурсултон Назарбоев ташриф натижалари Ўзбекистон- Қозоғистон муносабатларини ривожлантиришда, шунингдек, умуман Марказий Осиёда интеграция жараёнларини фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

- Илк сафаримни серқуёш Тошкентга давлат ташрифи билан бошлаганим тасодиф эмас. Чунки биз нафақат қўшнилар, балки қон- қардошлармиз. Қозоғистон Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлганини тўла қўллаб- қувватлайди. Мамлакатларимиз Абадий дўстлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ алоқаларни ривожлантириб келмоқда. Ўйлайманки, бир маҳаллар ядровий тадқиқотлар ўтказилган жойда шу йилнинг ўзида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш бўйича якуний ҳужжат имзолаймиз. Ташқи сиёсат маҳкамалари бу ишга алоҳида эътибор қаратадилар, - деди Нурсултон Назарбоев.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев «Интерконтинентал» меҳмонхонасига ташриф буюриб, икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форумида иштирок этдилар. Президентлар қатнашчиларга муваффақият тилаб, ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга даъват қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари Тасвирий санъат галереясини бориб кўрдилар. Бу ерда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки коллекциясининг доимий кўргазмаси билан бирга,

«Баҳор. Аёл. Гул» гуллар кўргазмаси ташкил этилган, шунингдек, Ўрол Тансиқбоев асарлари, И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи коллекциясидан расмлар намойиш этилмоқда. Нурсултон Назарбоев галерея юксак савияда ташкил этилганини, Ўзбекистонда тасвирий санъат ривожига алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлади.

Қозоғистон раҳбари мамлакатимизнинг бош майдонидаги «Мустақиллик ва эзгулик монументи» пойига гул қўйди. Нурсултон Назарбоев ҳурриятимиз ва эзгу ниятларимизни ифода этувчи ушбу монументни зиёрат қилган илк олий мартабали меҳмон бўлди.

Қозоғистон Президенти Сенат биносини ҳам кўздан кечирди, Ўзбекистон парламентининг юқори палатаси фаолияти билан танишди.

- Ўзбекистонга ҳар сафар келганимда юртингиз йилдан-йил иқтисодий юксалиб бораётганига гувоҳ бўламан, - деди олий мартабали меҳмон. - Пойтахтингиз ҳар сафар мени янги бунёдкорлик мўъжизалари билан кутиб олади. Тасвирий санъат галереяси, «Мустақиллик ва эзгулик монументи» ҳамда Сенат биноси бу сўзларимнинг яққол тасдиғидир. Сенат биноси ўзига хос меъморий ечимга эга маҳобатли ва муҳташам иншоот эканини алоҳида қайд этишни истардим.

Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ БИЗНЕС-ФОРУМИ

***Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев иштирок этдилар.***

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон ва Қозоғистон савдо-иқтисодий ҳамкорлиги қардошлик ва қўшничилик анъаналари асосида изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Ҳамкорлик кўлами кенг, икки мамлакат иқтисодиёти бир- бири билан уйғунликда ривожланади, бир-бирини тўлдиради.

- Аммо, ишга солинмаётган имкониятлар анчагина, - дея таъкидлади Ислом Каримов. - Биргина мисол, Ўзбекистондан Қозоғистонга катта миқдорда мева- сабзавот, полиз маҳсулотлари, қурилиш материаллари экспорт қилиш мумкин. У ёқда талаб катта. Лекин экспортнинг ҳозирги ҳажми қониқарли даражада эмас.

Н.Назарбоевнинг таъкидлашича, бугунги кунда Қозоғистонда ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 86 қўшма корхона фаолият юритмоқда. Машинасозлик, цемент ишлаб чиқариш, тўқимачилик, нефт-газ каби қатор соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш мумкин. Ўзбекистоннинг саноат, илмий потенциали юқори эканини, шу боис Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш минтақадаги бошқа мамлакатлар қатори Қозоғистон учун ҳам фойдали эканини таъкидлади.

Президентлар ушбу форум иккала мамлакат ишбилармонлари учун, демакки, халқимиз учун фойдали бўлишини қайд этдилар.

Тадбирда икки мамлакат ўртасида енгил саноат, машинасозлик, транспорт коммуникацияси, нефт-газ каби соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, ишбилармонларнинг бевосита мулоқотларини фаоллаштириш, жумладан, қўшма бизнес-семинарлар, конференциялар ўтказиш лозимлиги таъкидланди.

Бизнес-форум томонлар савдо-иқтисодий муносабатларга доир кўплаб соҳаларда алоқаларни янги босқичга кўтаришдан бирдай манфаатдор эканини яна бир бор исботлади.

**Фазлиддин АРЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

*Шукрона*

# КЎНГИЛ КЎРКИ

***Ер кўклади. Дов-дарахтлар ғунчалари кўнгилга баҳорий ҳислар уфуради. Борлиқ туйғулар оғушига чўмади. Кечагина сарғайган майса бу кун яна илдиз отади. Ҳаёт азалий, такрорлар китоби: «Баҳорлар гуллайди, тўкилади куз...».***

***Бу кунлар ўзгача. Ҳаёт абадийлиги, табиат гўзаллиги ва саховатини кўз-кўз этаяпти. Камалак рангидек ранг-баранг жилолар, ифорлар ила... Маънавий илдизларга дахлдорлик баробарида замонавий қадриятлар асосида ҳам бойимоқда — ушбу мангуликка муҳрланган лаҳзалар... Кўнгиллар кўклам суруридан яйрамоқда. Дунёларни тўлдириб яшагинг келади...***

## ҚУВОНИБ-ҚУВОНИБ ЯШАГИНГ КЕЛАР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида Наврўз тантаналари ўзига хос кўтаринки руҳда ўтди. Айниқса, халқ сайли завқи шавқидан юрак орзиқиб кетади. Табиатнинг бебаҳолигига шукроналар айтасан киши...

— Кенжатойимиз — ўғилча шу ерда туради, — дейди ўзини деновлик Эшмирза Тўраев, деб таништирган отахон. — Кампирим билан байрамга невараларни бир кўриб келайлик дедик-да... Тўғриси, келишимизнинг яна бир сабаби бор. Невараларимиз сони яна биттага кўпайди — қизалоқ! Исмини Наврўзой деб қўйдик.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида яшовчи Нозима ая қуйидагиларни гапирди.

— Наврўзимизнинг борига шукур, — дейди онахон. Кўк сомсалар, ҳалим ва сумалак таъмини бошқа бирор нозу неъматга алмаштириб бўлади-ми, болам! Шунинг учун бундай кунлар қадрига етиш керак. Биз кексалар энди кўкламга етганимизга хурсанд бўламиз. Илоҳо, юртимиз тинч бўлсин!

Пойтахтимизнинг Амир Темур хиёбонидан ўтаяпман. Унга туташиб кетган Сайилгоҳ байрам либосида. Ёшу кекса, болабақра тумонат... ўйин-кулгу, куй-қўшиқ, рақс...

Етаклашиб келаётган чолу кампирга салом бердим. Алик олишди. Лаҳжаларидан сездимки, меҳмонлар.

— Қаердансизлар?

— Чимкентдан.

— Байрамга келибсизлар-да?

— Ҳа, биз ҳар Наврўзда келамиз. Болалар шу ерда. Шулар билан бир коса сумалак есак, кейинги сумалакларга етамиз, деймиз. Энди бу бир ният-да, ўғлим...

Шу пайт бир болакай «зувв» этиб ёнимиздан чопиб ўтди. Қўлида тортқилаётган ипига қараб варрак учираётганини илғадим ва отахон билан онахонга «кечирасизлар» дегандай унга яқинлашдим:

— Варрагинг зўр-ку.

— Зўр! Ўзим ясадим.

— Юзига нимадир ёзибсанми? сўрайман ундан варраги узра тушган ёзувга ишора қилиб.

— Ҳа, «Ўзбекистон Наврўзи» деб ёзилган.

— Офарин! Беихтиёр унинг исмини, ёшини билгим келди.

— Шоҳруҳ. 9 ёшдаман. 301-мактабнинг 2-синфида ўқийман...

## ЧЎЛ БАҒРИДАН МУЖДА

Таҳририятга етиб келиб, хонамга киришим билан телефон жиринглади. Узоқдан эди.

«Ишонч» газетасими? Қашқадарёдан Адолат Сайдалиеваман. Нишон туманида Нуристон шаҳарчаси бор. Ундаги Қори Ниёзий номли 20-ўрта мактабда рус тили ва адабиётидан дарс бераман. Мактабимизда кўчат экиш тадбирлари уюшқоқлик билан ўтаяпти. Ўтказилган кўчатлар сони 200 та бўлди. Алло, эшитаяпсизми?

— Эшитаяпман, гапираверинг.

— Бизда икки минг нафардан ортиқ ўқувчи бор. Бир неча фанлар чуқурлаштирилган ҳолда ўрганилаяпти. Жумладан, Наврўз арафасида курс ташкил этдик. Чунки ўқувчиларимиз орасида адабиётга қизиқувчилар кўп. Фақат бир нарса. Мактабимиз кутубхонасида дарслик ва бадиий адабиётлар етарли эмас. Айниқса, Наврўз байрамининг ибтидоси, тарихини қадриятимиз сифатида улуғлашимиз хусусида бир неча адабиётлар чоп этилган, деб эшитамиз. Аммо бизгача етиб келмайди-да. Лекин шунга қарамай, умумбашарий қадриятларни тарғиб этишда янгидан-янги тадбирлар қўллашга ҳаракат қиламиз. Илтимос, шуларни ёзсангиз бизга янаям куч, илҳом бағишлаган бўласиз. Шуларни айтмоқчи эдим.

Гўшакни қўйдиму ўйланиб қолдим: 700 чақиримча узоқликдан чўл бағрида чирой очган шаҳарчадан мужда келди. Даставвал баҳор ана шу жойлардан бошланган бўлса, не ажаб. Бояги ўқитувчини тўлқинланиб, ҳаяжон билан гапириши бежизга эмас. Кўклам кўнгилларга кўрк улашадиган, дилларни янгилайдиган борлиқда меҳр ёғдуларини, табассум инжуларини таратадиган фасл. Одамларни жўшқинлик сари етаклайди. Бехос юрагим бурчидан бир нидо отилиб чиқади:

Бор бўлсин дунё, бор бўлсин Кўклам!

**Илҳом КАРОМОВ**

## «ҚИЗИЛҚУМ-СУР» МАҲСУЛОТЛАРИ

***Қоракўлчиликка ихтисослашган Конимех тумани «Қизилқум» ширкат хўжалигида тадбиркор Ирисбек Кўжановнинг саъй-ҳаракати билан ўтган йили «Қизилқум-Сур» корхонаси ташкил этилган эди. Учтепа овулидаги бу корхонада асосан маҳаллий қоракўл тери қайта ишланиб, ундан тайёр маҳсулот - турли бичим ва андозадаги қишки кийим-кечаклар ишлаб чиқарилади.***

- Маҳсулотларимизга харидорлар асосан чўпонлар, савдо марказлари, хусусий тадбиркор ва ишбилармонлардир, - дейди корхона раҳбари. - Шу йилнинг ўзида 20 дан ортиқ ширкат ва фермер хўжаликлари ҳамда аҳолидан буюртмалар қабул қилдик. Маҳсулотларимизга қўшни Қозоғистондан ҳам буюртмалар тушаётир.

Бугунги кунда 15 нафар йигит-қиз меҳнат қилаётган корхонада хўжаликда етиштирилаётган 5 минг донадан ортиқ қоракўл терини қайта ишлаш имконияти мавжуд



# Касаба уюшмалари: кеча, бугун, эртага

## ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН
# АНИҚ РЕЖА

***Республика иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири — мулкдорлар сафининг ўзагини ташкил этувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда шу йўл билан фаровонликни мустаҳкамлаб, янги ишчи ўринлари барпо этиб, одамларни фойдали меҳнатга йўналтиришдан иборатдир. Истиқлол яратган эпкинлар туфайли бугун қайси жабҳага назар солманг, ишлаб чиқаришнинг қай бир йўналишида қараманг, ривожланиш ва юксалиш сари дадил интилишлар бўлаётгани, маҳсулот етиштирувчи ва яратувчи инсонлар шуурида эса эртанги кунга ишонч, бажарётган ишидан кўнгли таскин топаётганини кўриш мумкин. Буларнинг бари инсон манфаатларини оширишга, юрт равнақини ривожланган давлатлар даражасига кўтариш сари олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар инъикосидан далолатдир.***

Асака туманида истиқомат қилаётган йигирмадан ортиқ миллат вакиллари хоҳ қишлоқ хўжалигида, хоҳ ишлаб чиқаришнинг бошқа жабҳаларида бўлсин, маҳсулот етиштириш ҳамда янги ишчи ўринлари барпо этишда мамлакатимизда ўзига хос тажриба мактабини шакллантирганлар сирасидан.

Мазкур туман аҳли ҳақида гап кетса, деҳқонини заргарга, саноатчисини эса яратувчига қиёслашади. Кўпинча, тош устида гул ундирувчилар дея таърифлашади. Бу бежиз эмас албатта. Меҳнат аҳлининг заҳматли ишлари ва бунёдкорлиги фақат мустақиллик берган имкониятлар туфайли юзага чиқди. Плёнка остида чигит ундириб, юқори ҳосилдорликка эришишда ҳам, ризқ-насибамиз манбаи бўлган ғаллачиликни ривожлантиришда ҳам Асака бободеҳқонининг тажрибаси республикамиз агросаноат мажмуидагиларга асқотганлигини кўпчилик яхши билишади.

Кейинги йилларда бу ерда етиштирилган маҳсулотни қайта ишлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Ташаббускорлик ва тадбиркорликка аҳамият кучайтирилаётгани туман тасарруфида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг қарийб 30 фоиздан ортиғини шу жойнинг ўзида қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантиришга шароит яратмоқда.

Бозор иқтисоди шароити қўяётган талабларни босқичма-босқич амалга ошириш борасида ҳам кўплаб тажрибалар шаклланган. Маълумки, бугунги кунда туманда 180 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларни иш билан таъминлаш, етарлича шароитлар яратиб бериш ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда мутасадди ташкилотлар қаторида касаба уюшмалари зиммасига ҳам катта масъулият юкланган. Аҳолининг асосий қисми қишлоқ жойларида яшаши эътиборга олинса агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси зиммасидаги масъулият нақадар салоҳиятли эканини тасаввур этиш унчалик қийин эмас.

Шу боисдан тармоқдаги мутасаддилар бир неча йилдирки, қишлоқ хўжалиги корхоналари билан ҳамкорлик қилиб, ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этиб келишмоқда. Тузилаётган битим ва шартномалар аниқ режа асосида юритилаётганлиги сабабли ўтган даврда тармоқда банд бўлган кишиларни ижтимоий муҳофазалаш ҳамда уларга қулай меҳнат шароитлари яратиш қаторида йигирмадан ортиқ қайта ишлаш корхоналарини ишга туширишга ва 5500 нафар кишини доимий бандлигини таъминлашга имкон яралди.

Жамоа шартномалари бандларида ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўйича барча соҳалар қамраб олинаётир. Ана шу мақсадларда хўжалик, корхона ва ташкилотлар томонидан 2004 йилда 1,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланган бўлса, бултур бу кўрсаткич 2 миллиард сўмни ташкил этди.

Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнатни рағбатлантириш ва ишлаб чиқаришда узилишлар содир бўлмаслигини таъминлашда тармоқ ходимлари саъй-ҳаракати катта бўлаётир. Айтайлик, "Асака ёғ" акционерлик жамиятида энг кам иш ҳақи 39 минг сўмдан 51 минг сўмга, "Асакадонмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамиятида 49 минг сўмдан 55 минг сўмга, "ФАМ" Ўзбек — Италия қўшма корхонасида эса 52 минг сўмдан 70 минг сўмга ортди.

Асосий эътибор ишсизликка барҳам бериш ва янги иш ўринлари яратишга қаратилаётир. Касаба уюшма фаолларининг туман ҳокимлиги, прокуратура ва ишлаб чиқариш корхоналари, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари билан тузаётган истиқболли келишувлари ўз самарасини бермоқда. Ана шунга кўра "Шарқ ҳақиқати" ширкат хўжалиги тасарруфида учта тикиш-бичиш цехлари, битта маҳсулотни қайта ишлаш цехи, Бобур номли ширкат хўжалигида эса атлас тўқиш, бичиш-тикиш, калава йигириш, ғишт заводи каби ўнлаб корхоналар ишга туширилди. Ҳозирда қишлоқ ёшлари турли хилдаги маҳсулотларни тайёрлаб, истеъмол бозорини тўлдиришаяпти, элга наф келтирмоқда.

Ҳар йили қабул қилинаётган жамоа шартномаларида меҳнат аҳлини моддий қўллаш ва рағбатлантириш билан бирга маданий дам олишини таъминлашга ҳам эътибор кучайтирилмоқда. Ширкатларда ишлаб топилган маблағнинг 35 — 40 фоизи ана шу мақсадларга йўналтирилиши таъминланмоқда. Кейинги ўн беш йилда еттита ширкат хўжалиги тасарруфида бунёд этилган замонавий кутубхоналар, болалар масканлари, стадион ва спорт мажмуалари, маданий истироҳат боғи ҳамда шунга ўхшаш бир қатор иншоотларнинг ишга тушишида АСМ ходимлари туман кенгашининг алоҳида ҳиссаси бор.

Туман касаба уюшмалари ишлаб чиқаришни шакллантириш қаторида, уни бозор иқтисодига мослаштириб бормоқда. Шундан бўлса керак, тўпланган тажрибаларнинг бир нечтаси вилоят миқёсида оммалаштирилгани тармоқдагиларнинг иш жараёнида асқотаётир. Умуман, туманда ижтимоий салоҳиятнинг юксалишида Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кенгаши қўшаётган ҳисса кенг қамровли, илғор тажрибалари инсон омилини оширишга хизмат қилаётир.

**А.ҚОДИРОВ**

# АСАКАЛИКЛАР



***Туман кенгаши идорасига кириб келган ишловчининг иш берувчи томонидан меҳнат қонунларига зид равишда унинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол этиб, ишдан бўшатиб юборгани, шу сабабли кенгашдан ёрдам сўраб келгани аниқланди. Ушбу низоли масала жойида ўрганилганда, ишчи ҳақ бўлиб чиқди. Маъмуриятга қонун доирасида тушунтириш берилиб, унинг бекор юрган кунлари учун меҳнат ҳақи ундирилди.***

# УЮШМАДА ҲУҚУҚШУНОС ШТАТИ



Туман тасарруфида корхона ва ташкилотлар жуда кўп. Шу боис, бунга ўхшаш воқеалар тез-тез учраб туриши табиий ҳол. Бунинг асосий сабабларидан бири аввало қабул қилинаётган жамоа шартномаларида кўзда тутилган бандларга тўла риоя этмаслик ва меҳнат тўғрисидаги қонунларни айрим иш берувчиларнинг ўзи пухта билмаслигидандир.

Эндиликда "Меҳнат Кодекси" ҳамда "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг бажарилишини назорат қилишга катта аҳамият қаратилган. Жойларда хўжалик, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, кадрлар бўлими бошлиқлари ҳамда меҳнатни муҳофазалаш бўйича муҳандислар ўқув-семинарлари ташкил этилаётир. Бундан ташқари ушбу соҳа мутасаддиларини ҳар ойда бир бор тўплаб, туман прокуратураси ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан очиқ мулоқотлар ўтказилиб борилмоқда.

Меҳнат тўғри ташкил этилса, ишловчи кўнгли тўқ, ишлаб чиқаришда унум бўлади. Ўтган йили меҳнатни муҳофаза қилиш учун туман қўмитаси тармоғида катта маблағ сарфланди. Ўртача ҳар бир ишловчига бу соҳада 8500 сўмдан харажат қилинди. Шунингдек, жойларда жамоатчилик асосидаги кўнгилли вакиллар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди ва уларнинг фаолиятидан фойланилаётир. Корхона ва ташкилотларда 280 нафар вакиллар иш олиб боришмоқда. Яна бир жиҳати — меҳнат муҳофазаси бўйича ишлаб чиқариш корхоналарида кўрик-танловлар ўтказилиб, ғолиблар қимматбаҳо совға ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланиб борилаётир.

Касаба уюшмаларининг фаолияти аъзоларнинг ҳуқуқий билимлари даражасига кўпроқ боғлиқ. Республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг IV қурултойида ҳам ана шу меъзонга алоҳида эътибор қаратилиб, бу соҳада мутасаддиларнинг мунтазам изланишлари лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Унда кўтарилган долзарб масалаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича туманда яна битта тажриба синаб кўрилаётир. Агар у келажакда самара берса, нафақат вилоятда балки республикада ҳам оммалаштирилиши мумкин. Яъни туман касаба уюшмаси тасарруфида фермерларга хизмат кўрсатувчи иккита ҳуқуқшунослик штатлари очилиб, тажрибали мутахассислар жалб этилган. Айни пайтда ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча низоли вазиятларни қонуний ҳал этишда улар бош-қош бўлишаётир.

**Нозим САЪДУЛЛАЕВ,**
**касаба уюшмаси аъзоси**

## МУНОСИБ ТУРМУШ ТАРЗИ

Ижтимоий масалаларни рўёб топтириш ва ишловчига ҳар томонлама қулай шароитлар яратиб бериш ҳамда улар фарзандларини соғломлаштириш касаба уюшмалари олдидаги муҳим вазифалардан. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши мутасаддилари ана шу долзарб масалага жиддий эътибор билан қараб келаётир.

Ҳар йили аъзоларни соғломлаштиришга йўғрилган алоҳида дастур асосида 400 — 500 нафардан зиёд киши республикамиздаги ва вилоятдаги санаторийларда дам олдирилиб, соғлиқлари тикланади. 300 нафар кишига эса кенгаш ҳисобидан саёҳатлар уюштирилиб келинмоқда.

Ишловчи фарзандларини ёзги таътил дамларида соғломлаштирилишини таъминлаш ҳам ана шу дастурдан кенг ўрин олган. Тасарруфдаги мавжуд "Машъал" болалар оромгоҳида ҳар мавсумда 650 нафардан зиёд болажонлар дам олиб, ёз гаштини суришади. Оромгоҳдаги жорий йил мавсумини кўнгилдагидек ўтишини таъминлаш мақсадида ҳозирданоқ ишлар бошлаб юборилди. Ётоқхона, ошхона, спорт майдончалари ва сузиш ҳавзалари тартибга келтирилиб, ободонлаштиришга эътибор қаратилмоқда. Оромгоҳ атрофидаги бузилиш ҳолига келиб қолган деворлар ҳомийлар кўмагида таъмирланаётир.

Мавсумнинг аъло даражада ўтиши аввало яратилаётган шароитларга боғлиқ. Шу боис озиқ-овқат таъминотларида узилишлар бўлмаслиги учун ҳозирданоқ соҳага ихтисослашган фермерлар ва корхона ҳамда ташкилотлар билан шартномалар тузилди. Шунингдек, ишловчи ходимлар ойлик маошларини ўз вақтида олиши учун мутасадди ташкилотлар билан ҳам келишиб олинди.

**Авазбек МЎМИНОВ,**
**ҳуқуқшунос**

***Мустақиллик йилларида кўплаб соҳалар қаторида ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлаяпти. Рақобат бозорини яратиш ва маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида янги технологиялар жорий этилиб, иш унуми ортаётир. Бозор шароитининг изчиллик билан иқтисодиётимиздан кенг ўрин олаётгани ўзимизни унга мослаштиришимизни тақозо этмоқда. Айниқса бунга касаба уюшмалари ташкилотлари зийрак ва ижтимоий масалаларда ҳаракатчан бўлиши лозим. Зеро, бу ҳақда Республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг IV қурултойида алоҳида тўхталиниб, олдимизда турган муҳим вазифалар белгилаб берилди.***

# ИШСИЗЛИККА БАРҲАМ БЕРИБ
## ЗАҲИРА ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ МУМКИН

Асака туманида қурултой қарорларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича бир мунча амалий ишлар қилинди. Жумладан, аҳолининг кам таъминланган қисми, моддий кўмакка муҳтожлар, ногирон ва меҳнат фахрийлари аниқланиб, мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ҳамда ҳомийлар кўмагида моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб келинаётир.

Таъкидланганидек, ишлаб чиқариш структурасининг бозор муносабатларига мослашиб бораётгани қайсидир ташкилотда ишчи кучи қисқаришига олиб келса, бошқасида иш ўринларини талаб этади. Ўтган даврда тумандаги корхоналар учун юзлаб янги ишчи ўринлари барпо этилди ва мутахассислар қайта ўқитилиб, янги касб-корликка ихтисослаштирилди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий муносабатларни босқичма-босқич ислоҳ қилиш асосий йўналиш ҳисобланади. Шу боис Асака туманида ҳам бу масалага жиддий эътибор билан қаралаётир. Ўтган йил якуни бўйича мавжуд ширкатларнинг барчаси тугатилиб, унинг негизида фермер хўжаликлари иш бошлади.

Ўтиш жараёнида касаба уюшмалари аъзоларни иш билан таъминлаш ва уларга қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш ҳамда ижтимоий ҳимоялашда фаоллик кўрсатаётир. Жумладан, барча ширкатлар ҳисобидан ана шу мақсадларга йўғрилган 31 миллион сўм туман кенгашига ўтказилди. Йигирма минг нафарга яқин киши иш билан таъминланди ва 400 нафари қайта ихтисослаштирилди.

Шундай бўлса-да, қишлоқ хўжалиги корхоналаридан яна 4 минг нафар киши бўшаб қолди. Ана шундай пайтда улар бандлигини таъминлаш ҳамда янги ишчи ўринлари барпо этишда туманда қандай имкониятлар бор, деган ҳақли савол туғилади. Бу масалага чуқурроқ ёндошишдан аввал бир нарсага эътибор қаратиш ўринли бўларди.

Бир пайтлар шаҳарлар тасарруфидаги корхона ва ташкилотларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ўзини ўзи таъминлаши учун ширкатлардан экин майдонлари ажратиб бериш анъанага айланганди. Туманимизда ҳам бу масалага жиддий ёндошилиб, шаҳардаги мавжуд корхоналарнинг кўпчилигига шундай жойлар ажратилиб берилганлигини мутасаддилар яхши эслайди. Бироқ давр ўзгарди. Рақобат бозорига бардош беролмаган корхоналарнинг айримлари касодга учраб, айни пайтда фаолият кўрсатмаяпти. Тасарруфидаги экин майдонлари эса ҳамон улар ихтиёрида. Хўш, энди ана шу масалага бугунги кун нуқтаи назаридан ёндошишнинг вақти келмадими, деган ҳақли савол туғилмайдими?

Ёки тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш ҳамда одамлар бандлигини таъминлаш мақсадида туман тасарруфидаги ўнлаб корхоналар хусусийлаштирилди, ишбилармонлар ихтиёрига топширилди. Аммо уларнинг кўпчилиги ўзини ўзи оқламаётганлигини мана бу далиллардан англаб олса бўлади. Масалан, паррандачиликка ихтисослашган 2-фабрика хусусийлашганича 1,5 минг нафар ишчи доимий меҳнат билан банд эди. Ҳозир эса 200 нафар киши фаолият кўрсатмоқда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотдан эса ҳеч вақо йўқ.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган консерва заводи тасарруфида 11 гектар майдон бор. Мулк асл эгаси қўлига тегмаганлиги боис, на маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти, на ердан фойдаланилаётир, аксинча, кимлардир зарур дастгоҳларни талон-тарож қилишмоқда. Наслчилик базасида эса хусусийлаштирилгандан сўнг аҳвол янада оғирлашди. Кейинги беш йилда насл зоти яхшиланиш ўрнига, бор имкониятлар бой берилди. Ихтиёридаги ўн гектар экин майдони эса қаровсизликдан ҳувиллаб ётибди.

Қиссадан ҳисса шуки, юқорида келтирилган далиллар чуқур таҳлил этилиб, имкониятлардан тўғри фойдаланилса, тўрт минг нафар кишини эмас, ҳатто ўн минг нафар кишини доимий ишли бўлишини таъминлаш мумкин. Туман касаба уюшмаси бу ҳолатдаги ташкилотлар аҳволини ўрганиб, тегишли мутасаддиларга, хусусан, туман ҳокимлиги, прокуратураси, ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда вилоят мутасаддиларига тақдимнома ва таклифларини ёзма равишда етказишди. Ажаб эмас, аҳвол ўрганилиб, бир тўхтамга келинса, ҳам ишсизлик барҳам топарди, ҳам янги иш ўринлари барпо этиларди. Қолаверса, бу корхоналар яна ўз эгасини - ҳақиқий мулкдорни топиб, ишлаб чиқариш ривожланиши ҳам турган гап. Муҳими, ҳукуматимиз олдимизга қўяётган талаблардан кўзланган асосий мақсад ҳам айнан шунга йўғрилганлигини ҳар биримиз унутмаслигимиз даркор.

**Ҳидоятулла АҲМЕДОВ,**
**Асака туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси**

# ФЕРМЕР ҲАМ ХУРСАНД
## аъзолар ҳам

Агросаноат мажмуида тадбиркорлик қилиб мўл-кўл маҳсулот етиштириш ҳадисини олган асакаликлар ўтган даврда тармоқни ривожлантириш ва экин майдонлари ҳолатини тартибга келтириш қаторида ишлаб чиқаришда иқтисодни бақувватлашувига эришганлиги ҳам бор гап. Меҳнат қилиб топилган маблағ ҳисобига барча ширкатлар тасарруфида янги иншоотлар барпо этилди, ўнлаб қишлоқларда турар-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Маҳаллалар ободонлаштирилиб, аҳолининг ижтимоий масалалар соҳасида тўпланиб қолган талаб-эҳтиёжи қондирилди. Энг чекка қишлоқлар ҳам табиий газ, ичимлик сув ҳамда замонавий ҚВПлар билан таъминланди.

Бироқ давр ўзгараяпти. Бозор шароити талаблари бўйича экин майдонлари ҳақиқий эгаси қўлига ўтишидан сўнг янги имкониятлар ишга солинишини, сифатли маҳсулот турини янада кўпайтиришни тақозо этаётир. Бу борада, айниқса, фермерлик ўз самарасини бераяпти.

Ўтган мавсум якунидан сўнг асакаликлар яхши ният билан вилоятда биринчи бўлиб, барча ширкатлар негизида фермер хўжаликларини ташкил этишга бел боғлашди. Ҳозир туманда 200 та фермер хўжалиги бор. Албатта «шаф-шаф» дегани билан шафтоли пишавермайди. Соҳада ўз тадбиркорлигини кўрсатиб, ишбилармонлик қиламан, деяётган фермерлар зиммасида катта масъулият юкланган. Ширкатлардан бўшаб қолган ишчиларни иш билан таъминлаш, меҳнатга оид қонунларни яқиндан ўрганиш ва амалга татбиқ этиш, шунингдек, ижтимоий масала каби юмушлар шулар жумласидандир.

Фермерларнинг деярли барчаси ширкатларда суяги қотган, ўз вақтида касаба уюшмаси имтиёзларидан баҳраманд бўлганлардан. Қолаверса, меҳнат аҳли ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялаш ва бандликни таъминлашда биринчи галда ана шу ташкилот унинг суянчиғи, ҳамкори ва ҳаммаслакдоши.

Масаланинг шу томонлари эътиборга олинганлиги боис, мавжуд фермерларнинг барчаси биринчи навбатда агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси билан истиқболли шартнома тузиб олишди. Ўзаро келишувларга кўра эндиликда касаба уюшмаси уларнинг мададкори, маслакдошига айланган. Аввало, ҳар бир ширкат негизида ташкил топган фермерлар жипслаштирилиб, алоҳида вакиллик тузилган.

Шунингдек, имзоланаётган шартномаларда ички меҳнат тартиби қоидалари, меҳнат шартномаси, шахсан моддий жавобгарлик ҳақида, ишчини ишга қабул қилиш тартиблари хусусида, синов шарти билан ишга олиш, вақтинчалик ишлайдиган ходимларни ишга қабул қилиш, ходим фермер хўжалигида меҳнат қилишни истамаган тақдирда ишдан бўшатиш, шартнома муддати тугаганлиги сабабли ишдан озод этиш, ишчилар сони ёки штати қисқартирилганда меҳнат шартномасини бекор қилиш, меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида низом, бахтсиз ҳодисаларни махсус текшириш каби бандлар мавжуд.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик қилаётган фермерларнинг асосий мақсади экин майдонларидан самарали фойдаланиш ва сифатли маҳсулот етиштиришдан иборат экани барчага аён. Ростини айтганда, хўжалик ички ишлари билан доимий шуғулланишда унинг вақти етмаслиги турган гап. Шу боис бу соҳаларда касаба уюшмаси бош-қош бўлишини у яхши билади. Ҳозирда жойлардаги вакиллар ҳар бир фермерга жамоа шартномаси бандлари бўйича амалий ёрдам кўрсатаётир.

Масалан, фермер меҳнатни шакллантириши осон бўлсинлиги учун буйруқлар дафтари, фермер хўжалигида ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномадан ўтказиш, бахтсиз ҳодиса содир бўлганда хабар бериш схемаси ва уларни қайд қилиш, фермер хўжалигида ариза ва шикоятларни рўйхатга олиш, меҳнат шартномалари ва дафтарчаларига қайд қилиш, фермер хўжалигидан юборилган ҳужжатларни тартибга олиш дафтарлари тузилиб, ҳар бир фермерга тарқатилди. Муҳими, энди фермернинг бу жиҳатдан кўнгли тўқ, ўзини ўйлантираётган муаммолар ҳал этиб қўйилган.

Ўз вақтида истиқболли шартнома асосида ишлаб чиқилган йўриқлар ва келишувлар самараси ҳам шунга яраша бўлаётир. Айтайлик, ширкатлар фаолият кўрсатган даврда туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кенгаши таркибида 24 минг нафарга яқин аъзолар мавжуд эди. Ҳозирги кунда аъзоларнинг 20 минг нафари фермерларга бирлашиб, фаолият мезонини улар билан бирга боғлаган.

**Миродил МУҚИМОВ,**
**«Янги ҳаёт» ҳудудий касаба уюшмалари вакиллиги**

## ЖАМОА ШАРТНОМАСИ АФЗАЛЛИГИ
# КУНДЕК РАВШАН

Қаердаки инсон омили устувор бўлса, ишлаб чиқариш ривожланади, одамлар моддий фаровонлиги ортиб, ижтимоий масалалар ечим топади. Бугунги бозор иқтисоди шароити қўяётган ана шу оддий ва ўз навбатида ўта масъулиятли масалага эътибор кучайтирган ташкилот ва корхонада ривожланиш ҳам, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам рисоладагидек. Бироқ унга амал қилмай бугуннинг нуқтаи назаридан иш кўрган кишининг эртаси "вой" бўлишига шубҳа йўқ.

Асакаликлар даврнинг қўйган бу талабини вақтида англаб, аввалдан етти ўлчаб бир кесишга одатланганлардан. Шу сабабли бўлса керак, бу жойдаги мавжуд корхона ва ташкилотларда бўлсангиз, биринчи навбатда инсон омили ва ижтимоий масалалар диққат-эътиборда эканлигини кўрасиз. Рости, қайсидир пайтда ойлик маошда муддатли узилишлар бўлиши мумкин, лекин ишловчи ҳақ-ҳуқуқига йўғрилган шартномалардаги келишувлар бўйича узилишлар йўқ ҳисоби.

Мустақиллик йилларида узлуксиз давом этиб келаётган анъана: яъни инсон омилига йўғрилган саналар ижроси кўнгилдагиданда зиёд амалга оширилиб келаётганлигини ўтган даврдаги ишлар салоҳиятидан билса бўлади. Бу каби улуғвор юмушларнинг юзага чиқишида даставвал қабул қилинаётган жамоа шартномаси бандларига оғишмай амал қилиш ва иш берувчи ҳамда касаба уюшмасининг мустаҳкам ҳамкорлиги мужассамдир.

Ҳомийлар ва шифокорлар йиллида ушбу анъана давом эттирилиб, ўзаро келишувларнинг айрим бандларига ўзгартишлар киритилди ва бу усул эндиликда барча ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам имкон даражасида татбиқ этилиши кўзда тутилаётир.

Аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса "Асака ёғ" акционерлик жамияти ва "Асакадонмаҳсулоти" ҳиссадорлик жамиятлари маъмуриятлари касаба уюшмаси билан ҳамкорликда қабул қилган жамоа шартномасини уч томонлама имзолашди: биринчи навбатда аъзолик бадаллари тўловлари 1,5 фоиз, иккинчи, умумий иш ҳақи ва умумий йиллик иш ҳақидан 1 фоиз ҳамда корхонанинг йиллик даромадидан 1,5 фоиз ўтказиб берилиши қатъий йўлга қўйилди.

Ҳамкорликда ҳикмат кўп, деганлари бежиз эмас экан. Ҳозирда корхоналар маъмуриятларининг ўзаро келишуви туфайли ижтимоий масалалар, ишловчини муҳофазалаш ва кам таъминланганларни моддий жиҳатдан қўллаш рисоладагидек бораяпти. Ходимларга меҳнат шароити яратилиши қаторида бепул тушлик жорий этилган, иш коржомалари корхона ҳисобидан берилади. Ҳар ойда 15 — 20 нафар кишини соғломлаштириш, шунча одамга моддий кўмаклашиш имкониятлари яралди. Шунингдек, спорт ва соғломлаштиришга ҳам эътибор кучайтирилаётир. Одамларда меҳнатга муносабат ўзгарганлиги ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришиш имконини бермоқда.

Масалан, ўтган ойларда "Асакадонмаҳсулотлари" корхонасида ўртача иш ҳақи 62 минг сўмдан 75 минг 670 сўмга "Асакаёғ" корхонасида эса 52 минг сўмдан 78 минг сўмга кўтарилди.

Муҳими, ана шу корхоналар касаба уюшмаси қўмиталари 8 — 10 миллион сўмдан ўз маблағига эга. Ишловчи манфаатига йўғрилган хайрли тадбирларда бировга муте бўладиган жойи йўқлиги аҳамият касб этади.

**Шералижон МАҲМУДОВ**

Саҳифани «Ишонч» мухбири Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ уюштирди

# АЙЁМИНГ МУБОРАК, ДИЛБАР ВАТАНИМ!



***Қадимий манбаларда айтилишича, Наврўз айёми «Гули сурх» (гул ва лолалар сайли) билан бошланган. Ёш-яланглар уйма-уй юриб, ҳаммани байрам билан қутлашган. Улар қўшиқ айтиб ўйинга тушишган, кексаларга бойчечак, гул ва лолалар ҳадя этганлар. Хуллас, Наврўз хосиятли айём, бу куннинг ўзгача анъаналари, сайилбоп ўлан ва айтишувлари, чорлов қўшиқларию ривоятлари бор. Эмишки, еримиз пайдо бўлган пайтларда Ёруғлик ва Қоронғулик дунёсининг аҳиллиги йўқолиб, улар бир-бирларига уруш очибдилар. Бу уруш бир неча минг йиллар давом этибди. Ёруғлик худоси музликларни эритиб, ерга ҳаёт уруғларини сочса, Зулмат худоси келиб уни дарров кунпаякун қиларкан. Ахийри, Ёруғлик енгиб чиқибди, олам оппоқ нурдан яраклаб кетибди. Музлар эриб, дарё бўлибди, она Ер тирикликдан жонланибди. Бир куни одамзот офтобнинг ерга яқинлашиб келганини кўрибди, шундан сўнг ҳаммаёқ майсалар билан қопланибди.***

## ХУШ КЕЛДИНГ, «ГУЛИ СУРХ»

— Бу не ҳол? - дебди ёнидагилар.

— Бу янги кун туғилганининг нишонаси! - дебди одамзот. Сўнг у «янги кун бошланур, олам яшарур, кўнгил шодланур» дея хитоб қилибди.

Ўша замонлардан бери Наврўз энг хосиятли кун саналади. Пок ният қилсак ижобат бўладиган, одамлар бир-бирини соғиниб дараклайдиган, кексаю хасталар ҳолидан хабар олинадиган кун бу! Шу куни ҳовли ва кўчалар чинни чироқдек покиза қилинади, Қабристонлар атрофи тозаланади, келинчаклар кўк сомса ва чучваралар пишириб қўшниларга тарқатадилар.

— Улуғ момоларимизнинг таоми - сумалак қайнатиладиган муборак кун бу! - дер эдилар момом Наврўз тонготарида дуога қўл очаётиб.

Қиру адирлар бағрида Наврўз сайли бошланади, сайилгоҳда ёшлару кексалар давра-давра бўлиб ўтиришади. Дастурхон атрофида суҳбат қизийди.

Ёшлар ўқиш, иш ҳақида сўзлашишса, аёллар қиз чиқариб, ўғил уйлашни орзулашади. Момолар Наврўз ўланларидан айтадилар. Боболар эса ўзгача ташвишда: наврўз қай кун киради, йил қандай келади, қай экинни қачон экиш керак... Қишлоқлик деҳқон табиатнинг «тили»ни тушунади, атрофни кузатиб, эртанги куннинг қанақа бўлишини бехато айтиб беради.

- Агар қарға дарахтнинг тепасида ўтириб «қағ-қағ»ласа ҳаво тезда айнийди, чиннигул ёқимли ис таратса шамол туради, зағчалар тўдалашиб учса ёмғир ёғади, қоқигул кўзларини «юмиб» олса, жала қуяди, карнайгул шом кирмасдан очилса тунда аёз бошланади, қора чигиртка чирилладими ҳаво очилиб кетади, - дейди у.

— Азизларим, Наврўз қандай айём? - дейди даврадагилардан бири. Турли ёшдагилар ўзларига маъқул фикрларни ўртага ташлашади:

— Наврўз кишини меҳнатга чорлагувчи айём.

— У кўнгилларни бир-бирига боғлайди...

— Шу куни уйларга файзу таровот, хайру барокат ёғилади!

— Қалблар меҳрдан нурафшон бўлади.

— Наврўз куни экин экиш, ҳунар ўрганишга киришилса, охири хайрли бўлади!

— Ҳа, бу кун ҳунармандлар учун ҳам хўб соз кундир!

Халқ орасида «Ҳашар-элга ярашар» деган ҳикмат бор. Наврўз кунларида элу юрт катта ҳашар уюштириб, серфарзанд ё хастаҳол кишиларнинг уй-ҳовлиларини тиклаш, қабристонлар атрофини тозалаб, орасталаш, боғроғларни кенгайтириш, далага уруғ қадаш сингари эзгу юмушларга қўл урадилар. Айниқса, кўчат экиш ишлари авж олади. Мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилиб, бу ишга ёшяланглар ҳам жалб қилинадилар.

— Бир туп тут эксанг юз йил гавҳар терасан! - дейди донишманд боболар ўз набираларига қарата.

— Терак кўчатларини экиб парваришласак, кейин сенга чиройли уйлар қурамиз!

Ўсмирлар бу гапни ич-ичида маъқуллаб, янада шитоб билан ишга киришадилар. Ҳамма-ҳамма жойда яратиш-яшнатиш билан боғлиқ хайрли юмушлар авж олади.

Кексалар бир-бирларидан «Бу йилги Наврўз қай кун кираркан?» дея сўрашади.

— Бу йилги Янги кун сешанбадан бошланади, - дейди кимдир.

— Ҳа, шундайми? Хайрли бўларкан, иншооллоҳ!

Манбаларда ёзилишича, йил давомидаги ўзгаришлар, деҳқончиликнинг аҳволи Наврўзнинг қай кун киришига боғлиқ ҳолда кечаркан. «Ажам ҳукамоларининг йил боши ҳақидаги баёни»да Наврўзнинг сешанба куни киришига шундай таъриф берилади: «Ёмғир мўл, сут-қатиқ бисёр, мевалар сероб, йил ўртасида арзончилиқ бўлгай, фуқаро кўнглига хуррамлик киргай...»

Наврўз дилларни дилларга боғловчи айём. «Қадаминг хуш келсин, янги кун! Озод юртимиз тинч, эл соғу омон бўлсин!»

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА**

## ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

Қуёш Шарқдан бош кўтаргандек, дунёдаги барча эзгуликлар асосан, Шарқдан бошланган. Наврўз ҳам худди шундай Шарқда кенг тарқалган Қуёш тақвими бўйича йилнинг биринчи куни. Маълумки, Шарқ мамлакатларида иккита тақвим амалда бўлган. Биринчиси - ой тақвими. У ернинг ой атрофидан айланишига асосланган бўлиб, қамарий йил ҳисоби дейилади. Иккинчиси - Қуёш тақвими. У ернинг қуёш атрофидан айланишига асосланган бўлиб, шамсий йил ҳисобланади. Бунда қуёш бир йил давомида ўн иккита буржни айланиб чиқади. Ҳар бир буржда бир ой бўлади. Қуёшнинг охирги бурж-Ҳутдан биринчи бурж-Ҳамалга ўтиши қишнинг тугаб, уйғониш фасли баҳорнинг кириб келиши, бир йилнинг ниҳоясига етиб, янги қуёш йилининг бошланиши ҳисобланади. Бунда кеча ва кундуз аввал тенглашиб, кейин куннинг ҳиссаси узайиб боради; кунлар илиб, табиатда уйғониш, жонланиш бошланади. Бу ҳақда машҳур адиб Носириддин Рабғузий шундай ёзади:

*Кун келу минг кўрки ортиб,*
*тирилур ўлмиш жаҳон,*
*Тонг бадизлаб нақши бирла*
*безанур бу ер юзи.*

Наврўзнинг келиб чиқиши ва байрам қилиниши ҳақида хилма-хил талқинлар, ранг-баранг ривоятлар мавжуд:

Наврўз - Оллоҳ таолонинг бу дунёни ва ундаги нарсаларни яратишга киришган куни.

Наврўз - Одам Ато билан Момо Ҳавонинг топишган куни.

Наврўз - Нуҳ алайҳиссаломнинг буюк сув тўфонидан кейин заминга илк қадам қўйган куни.

Наврўз - одамзод томонидан олов кашф этилган кун.

Наврўз - мажусийлик таълимотига кўра яхшилик худоси Аҳурамазданинг ёвузлик худоси Аҳраман устидан ғолиб бўлган куни.

Наврўз - уйғониш, тозариш, ёшариш байрами.

Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида ёзилишича, Ал-Маъмун Али ибн Мусо ар-Ризодан Наврўз ҳақида сўраганларида, у: «Наврўз фаришталар улуғланадиган кундир, чунки улар шу кунда яратилганлар. Уни пайғамбарлар ҳам улуғ тутганлар. Чунки Қуёш шу кунда яратилган ва уни подшоҳлар ҳам улуғлаганлар. Бинобарин, у замоннинг биринчи кунидир», - деган эди».

Гап бу ерда мазкур қарашларнинг қайсиси ҳақиқатга яқину, қайсиси узоқлигида эмас. Бу қарашлар асрлар давомида халқ орасида яшаб келган, олиму адибларни илҳомлантириб, уларнинг қўлига қалам тутқазган. Халқ ҳамиша Наврўзни эзгулик тимсоли деб билган. Бугина эмас. Халқ ўзининг барча эзгу фазилатлари, урф-одатларини айнан Наврўзда намоён этган. Айни жиҳатдан Наврўз халқ ҳаётининг ҳамма томонларини қамраб олган:

— ерлар ҳайдалиб, экишга тайёрлаб қўйилган;

— ҳашар йўли билан ариқ-зовурлар тозаланган, ҳамма ёқда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилган;

— мозорлар атрофи тартибга келтирилиб, марҳумлар шаънига дуою фотиҳа ўқилган;

— урушлар тўхтаган, аразлашганлар ярашган;

— касаллар ҳолидан хабар олинган, бева-бечораларга ёрдам кўрсатилган;

— сумалак, ҳалим, кўксомса, кўкчучвара каби баҳорий таомлар тайёрланиб, биргаликда тановул қилинган, қўни-қўшниларга тарқатилган;

—қариндош-уруғлар, дўсту танишлар йўқланган, дастурхонлар тузалиб, меҳмон кутилган;

— ювиниб-тараниб, оҳорли кийимлар кийишган;

— халқ сайиллари, томошалари, спорт мусобақалари ва бошқа турли байрам тадбирлари ўтказилган;

— одамлар бир-бирларига ширинликлар улашган, гуллар тақдим этишган, эзгу ниятлар билдиришган ва ҳоказо.

Бу ишлар биргаликда, кўпчилик билан бажарилганидан Наврўз тинчтотувлик, бирдамлик байрами тусини олган.

Бир куни Муҳаммад алайҳиссаломга сумалак олиб келишибди. Сумалак у кишига жуда ёқибди. Унинг номи, қаерда ва қачон пиширилиши билан қизиқибдилар. Бу таомнинг номи сумалак бўлиб, қўшни мамлакатларнинг энг улуғ байрами Наврўзда тайёрланишини эшитган Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай лутф этган эканлар:

— Ундай бўлса, ҳар бир кунларингиз Наврўз бўлсин!

Фурсатдан фойдаланиб, барча ватандошларимизни кириб келаётган Наврўзни яйраб-қувониб байрам қилишлари ва унинг шавқу илҳоми билан кейинги Наврўзга шоду хуррам етиб олишлари, ҳар бир тунлари - Қадр, ҳар бир кунлари - Наврўз бўлишини тилаб қоламан!

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлар номзоди**





Ш. С[illegible]ТОНОВ ол[illegible] суратлар

## ЭЛ БИЛИБ СЎЙЛАР

**Эрта баҳорда какку кўрган одам унинг сайрашини эшитган замон ердан бир ҳовуч тупроқ олиши керак. Шундай қилинса, йил баракали келар эмиш.**

* * *

*Эрта баҳорда лайлакни кўриш бахтдан нишона. Лайлак қайси томондан кўринган бўлса, ўша томондан келган одам юртга қут-барака келтираркан.*

* * *

**Яхши одам кўзидан маълум,**
**Яхши йил наврўзидан..**

* * *

*Қўрқма хутнинг қишидан,*
*Қўрқ ҳамалнинг бешидан.*

* * *

**Наврўздан сўнг қиш бўлмас,**
**Мизондан сўнг ёз бўлмас.**

* * *

*Яхши келса, ҳут,*
*Кади — кади сут,*
*Ёмон келса ҳут*
*Қақшаб қолган пут.*

* * *

**Ҳут кирди, ер остига дуд кирди.**

* * *

*Яхши кун саҳаридан маълум.*
*Яхши йил — баҳоридан.*

* * *

**Баҳорги ҳаракат — кузги баракат.**

***Наврўз тарихи Ватанимиз тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, қадимги Хоразмда Наврўз зўр шодиёна билан ўтказилган. Муқаддас "Авесто" китобида эътироф этилишича, Наврўзнинг тарихи тўрт минг йилдан зиёд. Наврўзни Шарқ халқлари ҳанузгача яшариш ва янгиланиш, бахтиёрлик рамзи сифатида ардоқлаб келмоқдалар.***

Наврўзни байрам қилиш, нишонлаш тўғрисида Шарқнинг буюк алломалари Абу Райҳон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", "Қонуний Масъудий" ва "Ат-Тафҳим", Умар Хайёмнинг "Наврўзнома", Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит турк" асарида, Алишер Навоийнинг "Тарихи мулки ажам", "Садди Искандарий" достонида, Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сида муҳим маълумотлар берилган ва ушбу айёмга бағишланган халқ қўшиқларидан намуналар келтирилган.

## ҚАДИМИЙ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН

Наврўзнинг байрам қилинишини Беруний ўзининг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" китобининг "Суғдийлар ва хоразмликлар ойларидаги ҳайитлар" бобида батафсил таърифлаган. Абу Бакр Муҳаммад Ибн Жаъфар Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асарида ёзилишича, Бухородан 30 километр шимоли-ғарбда жойлашган қадимий Варахша шаҳрида халқ йилнинг охирида йигирма кун бозор қилиб, йигирма биринчи куни Наврўз — Янги йил байрамини кутиб олган. Буни "Деҳқонлар Наврўзи" дейдилар.

Бухоро деҳқонлари йил ҳисобини ўша кундан бошлашган. Наврўзнинг асл моҳияти — баҳор, деҳқончилик байрами, ризқрўз, бир сўз билан айтганда, табиат байрами, эл хурсандчилиги.

Наврўз байрамининг қадимдан сақланиб, ривожланиб келган ўзига хос удумлари бор ва улар ҳар бир жой шароитларига қараб турлича бўлган. Шу билан бирга, баҳор келиши билан боғлиқ, бир-бирига ўхшаш анъаналар ҳам анчагина.

Фақат айтиш мумкинки, халқнинг байрамона ясаниб, маълум бир жойга, яъни Сайилгоҳга тўпланиши, хилма-хил таомлар тайёрлаши, қўшиқлар айтиши, турли хил ўйин-кулги, беллашувлар ўтказиши Наврўзнинг асосий удумларидан ҳисобланади. Наврўз арафасида ҳовли-жойлар орасталаниб, яхши ният билан кўчатлар ўтқазилади.

Қадимда байрам ўтадиган жой чиройли кашта, гилам ва бошқа нафис матолар билан безатилган. Катта-кичик - ҳамма карнай-сурнай садолари остида тантанали равишда байрамни бошлашган. Ҳамма янги либосда, қўлларида баҳор чечаклари, ўзлари қувноқ , чеҳраларида эса баҳор нашидаси. Хонандалар ашула айтадилар. Болалар ва катталар кўм-кўк ўт-ўланлар билан қопланган қир-адир ва тепаликларга, боғ-роғларга, сайилгоҳларга чиқиб турли кўнгилочар ўйинлар билан машғул бўлганлар, табиат бағрида сайр этиб, ҳордиқ чиқарганлар. Кексаларга совға-саломлар улашиб, марҳумларни хотирлашган. Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах вилоятларида Наврўз тантаналари, сайиллари яшил табиат қўйнида, гўзал тоғ ён бағирларида, қир-адирларда ташкил этилиши, айниқса, мароқли ва мазмунлидир. Бу улуғ айём куни хотин-қизлар ҳам гўзал табиат каби яшариш ва безаниш учун Наврўз сайлига атаб махсус янги кийимлар, сернақш кашталар ва рўмолчалар тайёрлашган. Шу куни улар ўзларининг энг азиз орзу-ниятларини намойиш этишган, матал ва эртаклар айтишишган, қиз ва келинчаклар ўсма ва сурма қўйишиб янада гўзаллашиб, мазмундор лапарлар, қўшиқлар ижро этишган. Рақсга тушиб, бир-бирларининг маҳоратларини синашган. Наврўз фақат дам олиш, ҳордиқ чиқаришгина эмас, дўстлик, ёшларда инсонийлик туйғуларини, меҳнат кўникмаларини шакллантирган.

Аждодларимизнинг бу ажойиб анъанаси мустақиллик шарофати билан янгича мазмун касб этиб, уни ўтказиш доираси янада кенгайди.

**Рашид БОЙТИЛЛАЕВ**

***Бугун Ҳуриниса аянинг туғилган куни. Ҳар йилнинг шу кунида бу хонадон гавжум бўлар, фарзандлару набиралар кулгулари ён-атрофни тўлдириб турарди. Лекин бугун ҳовли жимжит. Аянинг ўзи эрталабданоқ ўғилу қизларининг уйларига бирма-бир қўнғироқ қилиб чиқди. «Ҳаво исиган куни тўпланишармиз, бугун келиб ўтирманглар» деди. Ахир, нима қилсин, икки кундирки аёз аралаш совуқ. Қизларининг қўлида ёш гўдаклари бор, келинлари оғироёқ. Бундай ҳавода келишса, шамоллаб қолишади-ку.***

## БАХТ НАШИДАСИ

Туш пайтида қуёш чарақлаб, совуқнинг тафти пасайди. «Келманглар деб айтишим шартмиди?» дея ўз-ўзини койиди ая. Ахир, набираларини қачондан бери соғинган, кундузлари борай деса ҳаммаси боғчаю мактабда, кечқурунлари борай деса уйга қайтишини ўйлайди. Ишдан чарчаб келган ўғиллари, куёвларини овора қилгиси келмайди. Балки катта набираси дарсдан чиқиб, бирров келиб кетар...

Кампир шуни ўйлаб, ошга уннади. Сомсанинг хамирини муштлади. Ёнларидаги бозорчага чиқиб иссиқ жиззали патирлар харид қилди. Шу заҳоти кўк юзини қалин булут қоплаб, шамол турди. Ёмғир ёға бошлади. Буни кўриб Ҳуриниса аянинг хуноби ошди. «Тавба, мен нега хафа бўлаяпман ўзи? Ахир, баҳор ҳавоси шунақа-да. Ўзимам худди гўдакка ўхшаб қолаяпман, шекилли. Нима қилай, кексалик-да...» Ёмғир шатирлаб қўяр, Ҳуриниса ая эса катта набирасини кутиб ҳадеб йўлга термуларди. Шу набираси доимо бувисига «Бизлар Наврўзни доимо бир кун аввал бошлаймиз, хўп ажойиб кунда туғилгансиз-да!» деб қиқирлаб куларди. У кулгани сайин бувисининг завқи келарди. Наҳот бугун набирасиям келмаса? Бу ҳавода униям юборишмас... Худди шу топда дарвоза ортида машина дудутлади. Ҳуриниса аянинг юраги орзиқиб тушди. Титроқ қўллари билан шошиб дарвозани очди. Дастлаб тўнғич набираси югуриб келиб, бувисининг бағрига отилди. Машина ёнида эса қизу қуёвлари, ўғилу келинлари кулиб туришарди.

## АНВОЙИ ИСЛАР ТАРОВАТИ

Наврўз келиши билан гулзорларимиздан анвойи ислар таралади, ранго-ранг гуллар кўзимизни яшнатиб, кўнглимизни яйратади. Айниқса, уларнинг шифобахшлигини айтмайсизми! Қип-қизил атиргул танага тетиклик бахш этади, иш қобилиятингизни яхшилаб, диққатни бир жойга жамлашга кўмаклашади. Гунафша (бинафша) ҳиди руҳга қувват беради, дилда умид ва ишонч туйғуларини уйғотади, тушкунликни йўқотади. Райҳоннинг хуш ислари миянгизни дам олдириб, уни салбий қувватлардан «тозалайди». Бўтакўзда «сирли» куч борлиги қадимги манбаларда ёзилган. Айтилишича, бу гул оилада эркак ва аёл муносабатига ижобий таъсир кўрсатаркан!

Деярли барча гулларнинг у ёки бу даражада фойдали томонлари борлиги аниқланган. Шундай экан, биз гулларни парваришлашниям билишимиз зарур. Масалан, битта гулдонга бир неча хил гулларни солиб қўйиш ярамайди. Улар бир-бирига таъсир кўрсатиши мумкин. Марваридгул бошқа гулларнинг сўлишини тезлаштириб, ўзи янада кўпроқ яшнаб туради. Атиргул ва чиннигул (гвоздика)ни бир гулдонга қўйсангиз, ҳар иккиси ҳам тезда сўлиб қолади. Агар сўлий бошлаган лолаларни чироқ ёнида бироз ушлаб турсангиз у тезда жонланади. Атиргул ва чиннигулларнинг товушга сезгирлиги кучли, шунинг учун уларни сокинроқ жойга қўйганингиз маъқул. Янчилган ва қанд упаси қўшилган тухум пўчоғи хонаки гулларнинг яшнаб кетиши учун энг яхши озуқа ҳисобланади. Шунингдек, гулларни суғоришда ҳам эҳтиёт бўлинг. Кактусларга бир ҳафтада бир маротаба сув қўйиш етарли, геран, фикус, япалоқ баргли гуллар эса кунора сув «ичиш»ни афзал кўришади. Гул сақланаётганда гулдонга бир бўлак қанд ташлаб юборсангиз, улар узоқ вақтгача сўлимасдан туради.

### Саломатлик сабоқлари

***«Йил фаслларининг ўзгариши бирор-бир касалликни қўзғатади. Табиб буни яхши билиши зарур».***

**Абу Али ибн Сино**

## БАҲОРИЙ НЕЪМАТЛАР ЖОН ОЗИҒИ

Юртимизга кўклам ўз сепини ёйди. Қалбларимиз баҳор таровитидан яшнаб, қувончга тўлди. Навбаҳор барча мавжудот учун умид, тириклик нажот фасли. Шу боис ҳам Наврўз кунлари ёшу қарининг оғзидан. «етказганига шукур» деган калима тушмайди. Йил фасллари мижозга қараб инсонга таъсир қилади.

Биологик ритм туфайли инсон организми ҳар қандай асл шароитига мослашишга ҳаракат қилади. Лекин қишдан чиқиб баҳор об-ҳавосига тўла мослашиш-адаптацияланиш ҳар бир кишида ҳар хил кечиши исботланган. Буюк олим ва табиб Ибн Сино баҳор касалликлари тўғрисида шундай ёзади: «Агар баҳор ёмғирли бўлиб, ёз ҳам ёмғирдан ҳоли бўлмаса, бу энг соғлом муҳитдир. Баҳор касалликлари қуйидагилардир: ичдан қон ўтиши, бурун қонаши, меланхолиянинг қўзғалиши, шишлар, йирингли шишлар, томоқ оғриқлари. Баҳорда кўпинча томирларнинг ёрилиши, қон кўпириш ва йўтал қўзғайди. Шунингдек, сил касаллигига дучор бўлган беморларнинг аҳволлари ёмонлашади».

Баҳорда шамоллаш касалликларининг кўп турлари: тумов, нафас йўлларининг гриппга ўхшаган аденовируслик ва бактериал касалликлари тез-тез учраб туради. Шунинг учун ҳар бир одам йил бўйи соғлом бўлиш учун илк баҳорда бир қанча тадбирларни амалга ошириши керак.

Эрта баҳорда ерга амал кириб, инсон истеъмол қилиши мумкин бўлган турли доривор гиёҳлар уна бошлайди. Чунончи, жағ-жағ, ялпиз, отқулоқ, баргизуб, момоқаймоқ, йўнғичка, шўра каби гиёҳларнинг илк баҳордагиси инсон учун ниҳоятда фойдали ва шифобахш ҳисобланади. Наврўз дастурхонига доривор кўкатларидан тайёрланган шифобахш кўк сомса, кўк нон, манти, чучвара, хоним ва ҳар хил кўк суюқ овқатлар ҳамда гўжа оши, сумалак, ҳалим тортилган. Қонида ҳаёт учун зарур моддалар етишмаган кишиларга баҳорий бу неъматлар ва таомлар жон озиғи бўлиб, куч-қувват, яхши кайфият бағишлайди. Машҳур аллома Умар Ҳайём: «Кимки Наврўз куни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам бўлади ва фароғатда яшайди», - деб бежиз айтмаган.

Гўжа оши жуда тўйимли, инсонга куч-қувват бағишлашда женшен ва сумалакдан кейин туриши таъкидланади. Сумалак баҳорнинг шифобахш, табаррук таоми бўлиб, у қонни тозалаб, жисмимизни тетиклаштириб, куч-қувватимизни оширади. Ҳалим инсон организмида «қурилиш материаллари» вазифасини бажариб, иммунитетни оширади. Асаб, юрак қон-томир, меъда-ичак тизими фаолиятини яхшилайди.

**Фойдали маслаҳатлар:**

Баҳорда сут, қатиқ ичиш кони фойда.

Илк кўкламда униб чиққан гиёҳлардан ҳамда ошкўклардан таом тайёрлаб истеъмол қилиш лозим.

Баҳорги ёмғир сувини қайнатиб, ундан бир неча бор чой дамлаб ичиш, таом тайёрлашда фойдаланиш, иситиб чўмилиш, бош ювиш соғлом бўлиш учун яхши тадбир ҳисобланади.

Шамоллашнинг барча турларида — у тумовми, грипп, бронхит, зотилжам бўлсин, фақат шифокор тавсияси билан дори-дармонлардан фойдаланиш жоиз.

Баҳорда табиатнинг энг чиройли ва сўлим жойларида сайр этинг, айниқса, анҳор, дарё ва осмондаги булутларни, юлдузларни томоша қилинг, гул ва кўкатлар теринг. Бу саломатликни мустаҳкамлайди.

Ҳаётбахш қувват фақат баҳорнинг бошида бўлади. Ҳар йили 22 мартдан бошлаб офтоб чиқишини кутиб, ҳар бир киши қуёшдан ўз улушини олиш учун барвақтроқ туриши тавсия этилади.

Баҳорда фақат ўнг тарафга ёнбошлаб ухланг, бошингиз эса шимол ёки шарқ тарафда бўлсин.

Бўғим ва асаб тизими касалликлари бор киши об-ҳаво ўзгаришини сезишлари билан оёққа иссиқ ванна олишлари, дори-дармон қилишлари лозим.

Меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси бор беморлар сурункали гастрит ҳуружлари ва жиғилдон қайнаши кучайган вақтда сумалак истеъмол қилмаслик лозим.

Сумалак парҳезидан бир ҳафта — ўн кун олдин, уни егандан сўнг яна шунча вақт спиртли ичимликларни ичиш тавсия этилмайди. Сумалакка аралашган озгина спирт ички аъзоларда бижғиш жараёнини келтириб чиқаради. Бу эса кишини жуда оғир дардларга мубтало қилиши мумкин.

Камқонликда ҳалимни майиз, қабзиятда эса туршак (баргак) ивитмаси ёки қайнатмаси билан истеъмол қилиш тавсия этилади.

Байрам шукуҳи қалбларимизни йил бўйи тарк этмасин! Ҳар кунимиз Наврўздай ўтсин!

**Сафар МУҲАММАДИЕВ,**
**доцент**

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

# КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ







***Мамлакатимиз фуқаролари ва меҳмонларини энг улуғ, энг азиз байрам — Наврўзи Олам билан самимий қутлайди.***

***Қалбингизни баҳорий кайфият асло тарк этмасин!***

***Барчангизга мустаҳкам соғлик-саломатлик, бахту саодат ёр бўлсин!***







**Бошқарма тасарруфида фаолият юритаётган шифобахш, табиий иқлимга, маъданли сувларга ва барча даволаш имкониятларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларида даволаниш ва дам олишга Сизларни чорлаймиз**

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ «ГУЛПАРШИН» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон томир, ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик касалликлар.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

### «АЙДОС ҚАЛА» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон томир, ҳаракат-таянч аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.

### ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ «ТУРОН» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар.

### «ЧИНОБОД» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Ҳазм аъзолари, қанд (диабет) ва гинекологик касалликлар.

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ «БОТАНИКА» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва ҳазм аъзолари касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

### «БЎСТОН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон томир, ҳаракат-таянч,асаб, гинекологик ва андрологик касалликлари.

### «УМИД ГУЛШАНИ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Гинекологик, андрологик ва асаб тизими касалликлари.

### «ОҚ-ТОШ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

### АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАГИ «МАРҲАМАТ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон томир, асаб ва сурункали тери касалликлари.

### БУХОРО ШАҲРИДАГИ «СИТОРАИ МОҲИ ХОССА» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Буйрак касалликлари (ёз фаслида), ҳаракат ва асаб тизими, ҳазм аъзолари ва андрологик касалликлар.

### ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДАГИ «ЗОМИН» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

### ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ «ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак, асаб тизими, ҳаракат ва ҳазм аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлари.

### «МИРОҚИ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Асаб (марказий ва периферик) тизими, қон айланиш ва нафас аъзолари касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

### НАМАНГАН ВИЛОЯТИДАГИ «ЧОРТОҚ» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Қон айланиши, ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

### «КОСОНСОЙ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон томир, ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, нафас йўллари ва гинекологик касалликлари.

### «НИҲОЛ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, ўт пуфаги ва буйрак тоши касалликлари.

### САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ «АБУ АЛИ ИБН СИНО» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

### ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАГИ «ЧИМЁН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

### ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДАГИ «ХОНҚА» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон томир, асаб тизими, ҳаракат аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари.

Даволаниш муддати - 14 кун.

**Йўлланмаларимиз Марказий Осиёда энг арзон йўлланмалардир!**

***Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нархида сотилади. Шу билан бирга Курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, МДҲдаги курортларга йўлланмалар олишингизга ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.***

***Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. Мурожаат учун телефонлар: 56-85-68, 56-70-97.***

## ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ТАРМОҚ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ



*Юртимиз равнақига ҳисса қўшаётган тармоқ ходимларини ва фуқароларни улуғ айём — яшариш ва янгиланиш фасли билан муборакбод этади. Саховатпеша халқимиз савоб иш қилишдан асло толмасин!*



## ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

*Мамлакатимиз фуқаролари ва меҳмонларини энг ардоқли байрам билан самимий қутлайди.*
*Қалбингизда баҳорий кайфият гул-чечаклар очсин.*
*Умрингиз узун, хонадонингиз қут-баракали бўлсин!*



## «БЕКОБОДЦЕМЕНТ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

*Барча меҳнаткашларни гўзаллик байрами билан чин юракдан қутлайди.*
*Бахт қуши ҳамиша бошингиз узра чарх урсин!*



# «МУБОРАКНЕФТГАЗ» УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ



*Она Ватанимиз узра саодат қуёши мангу порлайверсин. Муқаддас юртимиз шухрати янада зиёда бўлсин!*

















# «ОҲАНГАРОНШИФЕР» ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ



*Оллоҳ назари тушган муборак заминда яшаётган фидокор халқимизга осуда ва фароҳбахш ҳаёт ҳамиша ёр бўлсин. Наврўз — янги кун юртимизга фақат эзгулик олиб келсин!*







# ЎЗБЕКИСТОН ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИ, КИМЁ САНОАТИ ВА ГЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ



*Шу азиз Ватанда яшаётган барча-барчани эзгулик элчиси бўлмиш фусункор айём билан самимий қутлайди.*





***Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин, ҳур Ўзбекистонимизни файзу барака тарк этмасин. Меҳр-оқибат ва тотувлик муҳити барқарор бўлсин!***





## «АЗАЛИЙ АЙЁМ» МУАММОНОМАСИ

Азиз муштарий! шакл атрофидаги рақамларда Юртбошимизнинг ибратли сўзлари яширинган. Уни қуйидаги очқич сўзлар асосида билиб олинг.

1.Наврўз бошланадиган шамсий ой номи — 21, 2,3,2,1.
2.Сайёра она замин — 20, 7.
3.Манзарали ўсимликдан тайёрланувчи ширинлик — 11., 6, 5, 8, 2, 4, 9.
4.Бир турли попупли гиёҳ — 7, 10, 12, 2, 14.
5.Вақт ўлчови бирлиги — 13, 1, 5.
6.Толе, саодат — 22, 2, 16, 17.
7.Гуллаган маскан — 18, 2, 3, 2, 4.
8.Нур, ёруғлик — 15, 1, 19.

**КРОССВОРД**

**Айлана ва ёйлар бўйича:** 1.Само жисми, ҳарорат ва ёруғлик манбаи. 4.Наврўз таоми. 6.Тоғ атиргули, шифобахш мевали бута. 7.Йил фасли. 9.Қирлик маскан. 10.Кўркам, хушбўй гул. 17.Серсоя дарахт. 19.Ўт-ўлан. 20.Бошоқли экин. 22.Ниҳол. 23.Эртапишар қовун нави. 24.Манзарали, ватани Хитой бўлган чечак. 25.Кайфиятни кўтарувчи адабий жанр. 28.Инсоннинг беғубор даври. 31.Булоқ, сув манбаи. 32.Катта сув йўли. 33.Оммавий халқ қўшиқларидан бири.

**БЎЙИГА:** 2.Серсув, ўртапишар ширадор ҳўл мева. 3.Овқатга ишлатиладиган кўкат ўсимлик. 5.Наврўз айёмларида ўтказиладиган сўз усталари баҳси. 8.Баҳор элчиси, парранда. 11.Болаларнинг кўкламги ўйини. 12.Таомга ишлатиладиган экинлар мажмуи. 13.Одатда оммавий халқ байрамларида ўтказиладиган чавандоз мусобақаси. 14.Толнинг сурх новдаларидан тайёрланувчи сочпопук. 15.Серилдиз, бегона ўт. 16.Биячилик маҳсулоти. 17.Митти, сайроқи қуш. 18.Дуккакли экин. 21.Ёғ ва тола олинадиган техника экини. 26.Ҳашорат, гул шайдоси. 27.Болаларнинг кўкламги учқичи. 28.Наврўз таомларига ишлатиладиган кўкат. 30.Гуллаган ҳосил тугадиган ҳўл мева.

**Фозилжон ОРИПОВ тузди.**

***Ҳар қандай жамиятнинг нуфузи кўп жиҳатдан аёлларга эътибор ва ғамхўрлик билан белгиланади. Юртимизда рўй бераётган муҳим ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маърифий ўзгаришларни хотин-қизлар иштирокисиз тасаввур этиш қийин. Зеро, ҳар қандай оиланинг бахт-саодати, юртимизнинг тинчлиги, осойишталиги замирида ҳам оналарнинг чексиз меҳри, муҳаббати ётади.***

# НАФОСАТ МАЛИКАСИ

*Эъзоз*

Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси ҳам олийгоҳ хотин-қизлар кенгаши ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда алоҳида тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Белгиланган тадбирлар «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастури талаблари асосида тайёрланган бўлиб, унда асосан ўқув масканида ишлаётган, аввал шу жамоага меҳнати синггaн, ҳозирда нафақада бўлган ижтимоий мададга муҳтож аёллар, ёлғиз оналар, боқувчисини йўқотган етим ва ногирон талабаларга меҳр-мурувват кўрсатишга жиддий эътибор берилди. Уларнинг ҳолидан хабар олиниб, совғалар улашилди.

Бугунги кунда институтда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг 52 нафарини фан номзодлари, доцентларнинг эса 8 нафарини аёллар ташкил қилади. «Аёлларнинг жамиятда тутган ўрни ва роли» мавзуида вилоят илмий-амалий анжуманининг айнан бизнинг ўқув масканимизда ўтказилгани ҳам бежиз эмас. Анжуманда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, институтларда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар иштирок этишди.

Институт факультетлараро ўтказилган «Нафосат маликаси» танлови ҳам байрамнинг энг гўзал тадбирига айланди. Танлов қатнашчилари биринчи шарт бўйича ўз қўллари билан тиккан кўйлаклари орқали замонавий ўзбек қизининг кийиниш маданияти кўригини намойиш қилдилар. Иккинчи шарт бўйича ўз онасига, қайнонасига, устозларига, дугонасига байрам табригини армуғон қилишди. Учинчи шартга мувофиқ байрам дастурхонини сервис анжомлари билан безашди ва ўзлари тайёрлаган дастурхонни изоҳлаб беришди ва тўртинчи шарт бўйича ифодали ўқиш, саҳна кўриниши, рақс, қўшиқ ижро этиш билан ўз истеъдодларини намойиш қилдилар.

Кўрик-танлов якунида Иқтисодиёт факультети талабаси Дилфуза Эргашева «Энг зукко қиз», Молия факультети талабаси Наргиза Исроилова «Энг лобар қиз» номинациялари бўйича ғолиб деб топилган бўлса, Муҳандислик факультети талабаси Шахноза Тўхтасинова «Нафосат маликаси» деб топилди ва институт маъмурияти билан бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди.

**Ҳамидулло МАТИСАЕВ,**
**Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**

*Футбол*

## НИСТЕЛРОЙ БИЛАН ҚИЗИҚИБ ҚОЛИШДИ

«Манчестер Юнайтед» ҳужумчиси Руд ван Нистелройни ким танимайди дейсиз. У билан қизиқаётган клублар сони тобора ортиб бормоқда. Оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, у билан Италиянинг бир йўла икки жамоаси — «Милан» ва «Интер» музокара олиб боришга тайёрдир.

Гарчанд кейинги пайтда Руд ван Нистелрой ўз ўрнини Луи Саа ва Уэйн Руниларга бериб қўяётган бўлса-да, «Милан» ҳам, «Интер» ҳам машҳур тўпурар учун 15 миллион евро тўлашга рози эканликларини маълум қилдилар.

## ВЕНГЕР УЧУН БУНЧА ПУЛ ЙЎҚ

Албатта, Япония футбол ассоциацияси президенти шу сўзларни айтган бўлса-да, буни тўғри маънода қабул қилишга шошилмаган маъқул. Гап шундаки, шу йил ёзда Жаҳон чемпионати тугагач, мамлакат терма жамоасини кўп йиллардан бери бошқариб келаётган бразилиялик Зико ўз лавозимини тарк этади.

Хўш, унинг ўрнини ким эгаллайди? Японларнинг ўзига қолса, «Арсенал» клубининг бош мураббийи Арсен Венгердан муносиби йўқ. Лекин у талаб қилаётган маблағ анча катта бўлиб, бу нарса мижозларни бироз ховурдан тушириб турибди.

— Биз бу пулни ҳам тўлашга розимиз, - дейди Президент. — Лекин бир шартимиз бор — Венгер бизга жаҳон чемпионлигини тақдим этиши керак.

*Баскетбол*

## ЎЗ УЙИМ – ЎЛАН ТЎШАГИМ

Миллий баскетбол ассоциациясида навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. «Кливленд Кавальерс» ўз майдонида Коби Брайант етакчилик қилаётган донгдор клуб «Лос-Анджелес Лейкерс»ни қабул қилиб, бор-йўғи бир очко эвазига ғолиблик нашидасини сурди — 96:95.

Яна бир учрашув — «Нью-Джерси Нетс» ҳамда «Даллас Маверикс» ўртасидаги баҳс ҳам қизиқарли лаҳзаларга бой бўлди. Лекин охир-оқибат омад мезбонларга кулиб боқди — 100:89. «Майами Хит» ҳам ғалаба сururидан сархуш — клуб «Нью-Йорк Никс» устидан эришган ғалабаси туфайли плэй-оффда қатнашиш имкониятини қўлга киритди.




*Параолимпиада-2006*

## РОССИЯ – БИРИНЧИ

Туринда Параолимпиада-2006 ўз поёнига етди. Қишки олимпиадада барчани ҳайратга солиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган Германия жамоасига бу галги мусобақалар якунида иккинчи ўрин насиб этди.

Биринчи ўринни Россия термаси қўлга киритди. Жамоа 13 та олтин, 13 та кумуш ва 7 та бронза медалларига лойиқ топилди. Бу немислар жамғарган медалларга нисбатан 15 та кўп демакдир.

Кейинги ўринларни Украина, Франция, АҚШ, Канада терма жамоалари эгаллашди.

*Теннис*

## РОЖЕ ФЕДЕРЕРНИНГ 36-СОВРИНИ

Ниҳоят, Индиан-Уэллсда бир неча кун катта қизиқишларга сабаб бўлган йирик турнир ғолиблари аниқланди. 2 миллион 100 минг доллар мукофот жамғармасига эга турнирнинг эркаклар баҳсида Роже Федерер зафар қучди. У финалда америкалик Джэймс Блэйк билан кечган учрашувни 7:5, 6:3, 6:0 ҳисобида якунлаб, бош соврин соҳибига айланди.

Эндиликда турли турнирларда Федерерга топширилган совринлар сони 36 тани ташкил этди.

*Бокс*

## ФОЖЕА БИЛАН ТУГАДИ

Индиана штатининг Ивансвилл шаҳрида ўтказилган маҳаллий боксчилар Кевин Пэйн ва Райан Маралдо ўртасидаги жанг ҳақиқатан ҳам қонли якун топди. 66,7 килограмм вазнда ким кучли деган саволга жавоб олиш фожеага сабаб бўлди. Ҳакамлар жанг очколар ҳисоб-китобига кўра Пэйнга ёзилишини эълон қилган бўлсалар-да, ғолиб рингни секундантлари ёрдамидагина тарк этди.

Афсуски, ғолиб касалхонада ўзига келмай ҳаёт билан видолашди. Шифокорлар унинг миясига қон қуйилганлигини билдиришди.

**Интернет хабарлари орқали тайёрланди**

# САРАЛАШ БАҲСЛАРИ

*Тадбир*

***Жисмоний тарбия ва спортни жойларда ривожлантириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб қилиш ҳамда уларни спорт орқали соғломлаштириш мақсадида «Гулистон» ўйингоҳида Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг кубоги учун миллий кураш бўйича 7-Республика турнирининг вилоят саралаш вакиллик босқичи бўлиб ўтди.***

Мусобақаларда «Сирдарё ИЭС», «Сирдарёэлектртармоқлари» ОАЖ, Фарҳод ГЭСи ва Гулистон нефт базаси унитар корхонаси жамоалари қатнашди.

73 кгча вазнларда С.Турдиев, А.Миийлиев, Х.Норқулов, 81 кггача вазнда К.Бозоров, Ф.Жўраев, Т.Кўчимов, 90 кггача вазнда С.Кўчимов, И.Алланазаров, Х.Хомидов, 90 кгдан зиёд вазнларда В.Руденко, Б.Маматмуродов ва Ф.Зулқайнаровлар ғолибликни қўлга киритдилар.

Умумжамоа ҳисобида «Сирдарёэлектртармоқлари» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. «Сирдарё ИЭС» жамоасига иккинчи ўрин насиб этди. Фарҳод ГЭС жамоаси шоҳсупанинг учинчи поғонасини банд этди.

Ғолиблар шу йилнинг 31 март — 2 апрел кунлари Чирчиқ шаҳрида спорт коллежининг жисмоний соғломлаштириш спорт мажмуасида ўтказиладиган финал босқичида қатнашадилар.

**Тоҳир УМАРҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгашининг Сирдарё вилоятидаги вакили**

*Ўзбекистон чемпионати*

# КЎЗ ТЕГМАСИН

## «Нефтчи» мавсумни яхши бошлади

Кейинги йилларда Юрий Саркисян шогирдлари жамоа мавқеига муносиб ўйин кўрсатолмай, мухлисларни ранжитиб келаётган эдилар. Кўз тегмасин, «Нефтчи» ушбу мавсумни кўтаринки руҳда бошлади. Биринчи турда Жиззахда «Сўғдиёна» устидан йирик ҳисобда зафар қучган жамоа иккинчи турда «Андижон» клубини мағлуб этди — 2:0.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Самарқанд-Д»-«Насаф» — 2:0, «Машъал»-«Хоразм» — 2:0, «Тўпаланг»-«Локомотив» — 2:2, «Трактор»-«Сўғдиёна» — 1:0, «Металлург»-«Пахтакор» — 0:1, «Шўртан»-«Бухоро» — 1:0, «Навбаҳор»-«Қизилқум» — 1:1.

Навбатдаги тур 26 мартда бошланиб, 27 мартда «Пахтакор»-«Нефтчи» ҳамда «Бухоро»-«Машъал» жамоалари ўртасидаги ғоят қизиқиш билан кутилаётган баҳслар билан ниҳоясига етади. Кўрамиз Ю.Саркисян шогирдлари чиндан ҳам мавсумга ҳар қачонгидан пухта ҳозирлик кўришганми ёки... Ҳар ҳолда ушбу матч «Пахтакор» учун ҳам осон кечмаслиги аниқ.

Дарвоқе, унгача яна ҳам тўғрироғи, эртага мамлакатнинг бош жамоаси Осиё чемпионлар лигаси доирасида Қувайтнинг «Кадисия» клуби меҳмони бўлади. Бултур кумуш медал соҳибига айланган «Машъал» эса Муборакда Бирлашган Араб Амирликлари вакили «Ал-Айн» клуби билан куч синашади.

Хуллас, футболсевар шинавандаларини олдинда ажойиб учрашувлар кутмоқда.

*Хотира уйғонса гўзалдир*

***Ўзбекистон халқ рассоми, Давлат мукофоти соҳиби, академик Чингиз Аҳмаров ўзининг бетакрор санъат асарлари билан маданиятимиз тарихида ёрқин из қолдирган атоқли санъаткордир. Рассом нафақат деворий расмлар туркуми, балки Шарқ миниатюра санъати анъаналарини Камолиддин Беҳзоддан илҳомланиб, замон руҳига яқинлаштириб, юксак маҳорат билан тасвирлаган.***

# НУРГА ОШНО ЛАҲЗАЛАР

Чингиз Аҳмаров узоқ йиллик ижодий фаолияти даврида яратган турли мавзу ва соҳалардаги асарларини умумий бир хусусияти бор эдики, бу рассомнинг нозик қалби акс этган ўзига хос назокат, ранглар уйғунлиги тарҳларнинг мукаммаллиги, образларнинг, кўтаринки ва шоирона руҳда тасвирланишидир. Рассом қалби гўё гўзаллик уммони эди. Шу боис ҳар бир асари томошабинга катта руҳий қувват, гўзаллик, энг муҳими, фикрий уйғоқлик ато этади.

Чингиз Аҳмаров санъатни қанчалик севсалар, адабиётга ҳам ихлосу қизиқишлари жуда баланд эди. Бу даставвал рассомнинг Неъмат Қўзибоев билан ҳамкорликда Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат академик театри залларини безаш учун чизган гўзал ва маҳобатли деворий расмларида акс этган. Шу-шу Алишер Навоий достонларидаги инсонпарварлик ғоялари Чингиз Аҳмаров мўйқаламида ўзига хос, янгича талқинда ва янгича жило билан сайқал топа борди.

Айниқса, Чингиз Аҳмаровнинг «Навоий шеърияти» номли расмлари Шарқ мусаввирлари ҳаттотлик ва рассомчилик анъанасининг ўзаро уйғунлигини яна бир бор кашф этди. Ана шундай лавҳа суратларнинг бирида Навоий назмга солган сарвиноз чанг чертиб, руҳий ҳолатини, кайфиятини оҳанг орқали изҳор этмоқда. Бу гўзал тасвирнинг юқорисида настаълиқ хатида қуйидаги гўзал матлаъ қайд этилган:

*Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур,*
*Не ажабким, ул сарвинозим ўн саккиз ёшиндадир.*

Бир-биридан гўзал матлаъга чизилган суратларни кўздан кечирар экансиз, гўё ўзингизни Навоийнинг шеърияти чаманзорига кириб қолгандек ҳис қиласиз:

*Эй мусаввир дилбаримга сурати монанд қил,*
*Кўрмакидин хотиримни гаҳ-гаҳи хурсанд қил.*

Чингиз Аҳмаров Навоий ғазалларига ишлаган суратлари билан Навоийнинг руҳини шод қилгани, шубҳасиздир.

Бундан ташқари, метронинг Алишер Навоий бекатига кираверишда шоирнинг нуроний сиймоси рассом талқинида шу даражада маҳорат билан яратилганки қойил қолмай иложингиз йўқ. Гулдор гумбазлар, баланд устунлар, икки томон деворига нақшкор гиламлар осилгандек бекат ўртасида «Хамса» достонлари асосида расмлар жойлаштирилган. Улар ҳам гилам услубда нақшинкор бўлиб, ўртада асар қаҳрамонлари акс этган. Бекатдаги ҳар бир сурат, ҳар бир нақш Чингиз Аҳмаров яратган бир мўъжизага ўхшайди. Унга боқиб, рассом Навоий шеъриятини нақадар чуқур билганини ҳис қиласиз.

Чингиз Аҳмаров, нафақат шеърият, балки халқ оғзаки ижодини ҳам чуқур билган, уни севиб ўқиб-ўрганганларига ўзим гувоҳман. Турли афсона, ривоятларни ҳамиша берилиб тинглардилар. Айниқса устоз санъаткорга хонатлас ҳақидаги ривоят жуда ёқарди. Уни ўзлари яхши билсалар-да, бировлар талқинида тинглашни яхши кўрардилар. Ҳатто Ўзбекистон халқ амалий санъати музейи деворларидан бирида ана шу ривоят асосида ишланган расм мавжуд. Уни ҳар кўрганимда устоз санъаткорни мириқиб чой ичиб, ривоят тинглаётганлари ёдимга келади.

...Эмишки бир хон юртдаги барча ҳунармандларни йиғиб Наврўз сайлига маликалар учун баҳордек гўзал мато тўқишни буюрибди.

Уста-ҳунармандлар ипак толалар уйғунлигида турли матоларни тасвир қилибди, хонга бирортаси маъқул бўлмабди. Охири хоннинг қаҳри келибди, нега деганда баҳор яқинлашиб қолаётган эканда. Икки ҳафта муддат ичида нақшинкор мато тайёр бўлмаса уста-ҳунармандлар жонидан умидини узсин, деган фармони олий бўлибди. Ҳунармандлар ҳарчанд уринишмасин, хон буюрган матони тўқий олмапти. Бу орада баҳор эпкинлари эсиб, ёмғирлар мавсуми бошланибди. Жони омонатда қолган Усмон исмли уста-ҳунарманд ёмғирдан сўнг ҳовуз бўйига чиқиб, хомуш хаёл суриб ўтирган экан, бехос кўзи етти рангда товланиб турган камалакка тушибди. Дарҳол ундан андоза олиб, мато тўқибти. Унга «абринавбаҳор» деб ном қўйибди. Севина-севина саройга югурибди. Не кўз билан кўрсинки, ҳунарманд дўстларини хоннинг буйруғи билан жаллодлар олиб кетаётган экан. Йигитни хоннинг ҳузурига киритмабдилар. Шунда тўқиган атласини боши узра ёйиб, ҳилпиратибди, гўё ҳаммаёқ яшнаб кетибди. Маҳобатли сарой аҳли ҳам бундан хабар топибти. Турфа рангда товланиб, ял-ял ёниб турган атлас хонга маъқул бўлибди, ҳунарманд-тўқувчилар омон қолибти. Шу кундан бошлаб, бу атласни халқ тилида хонатлас, ўлимдан қолган тўқувчилар авлодини эса усмонли атлас дейишаркан.

Устоз санъаткор Чингиз Аҳмаров буюк рассом бўлиши билан бирга содда, самимий, айни пайтда одамохун, қалби чизган асарларидек гўзал ва пок инсон эдилар.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ,**
**санъатшунос**


# ДИҚҚАТ, СОТИЛАДИ!

*Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Хоразм кўчасида (**«Тошкент турар уй-жой маркази»** МЧЖ ҳудудида) жойлашган қурилиши тугалланмаган **5 та бетон-блок хоналари** шу йилнинг 27 мартидан ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари ўтказиладиган биржа савдоларига чиқарилади.*

Ҳар бирининг сатҳи **21,6 кв.м.дан** бўлган ушбу хоналарнинг бошланғич баҳоси — 1366000 (бир миллион уч юз олтмиш олти минг) сўм.

Шунингдек, РКМБ Нукус туманлараро филиали ихтиёридаги Нукус шаҳри, 22 микрорайон, 1«А» уй манзилида жойлашган бошланғич баҳоси — **1770000** (бир миллион етти юз етмиш минг) сўм бўлган бино ҳам 2006 йил 27 мартдан биржа савдоларига чиқарилади.

*Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.*

**Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Махамад Ўразбоев кўчаси, 1«А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси.**

***Телефонлар: 8(371) 399 80 22, 399 80 26, 136 15 28.***
***Факс: 136 26 26***




Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислом университетининг ректори вазифасини бажарувчи Абдулҳай Абдуллаевга укаси **МАХСИД**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 18855 Буюртма Г— 514

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

12345